

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобини солиқ органлари томонидан проактив тартибда тўлдирилиши бўйича қўлланма

I. Ҳисобот таркиби

Ушбу солиқ ҳисоботи шакли **ҳисоб-китоб** ва 5 та иловадан иборат:

1-илова. Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари;

2-илова. Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари ёйилмаси;

3-илова. Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам миқдори Маълумотнома-ҳисоб-китоби;

Бунда, 3-илова **алоҳида янги пакет орқали**, “E-ijara” АТда ҳисобга қўйилган ижара шартномалари тўғрисидаги маълумотларга асосан, проактив тарзда шакллантирилади.

4-илова. Ҳар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида Маълумот;

5-илова. Ҳар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган мулкӣ (дивиденд ва фоизлардан ташқари), моддий наф тарзидаги ва бошқа даромадлар ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида Маълумот;

Бунда, 5-иловада “E-ijara” АТда ҳисобга қўйилган ижара шартномалари бўйича жисмоний шахсларнинг даромадлари кўрсатилмайди.

II. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китоби

1. Ҳисоб-китоб солиқ агентлари томонидан **4-5-иловаларда** йил бошидан ўсиб борувчи яқун билан сўмда тўлдирилиб, тизимга юкланган жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ва бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотларига асосан **проактив** тарзда автомат шаклланади.

Бунда, 5-иловада “E-ijara” АТда ҳисобга қўйилган ижара шартномалари бўйича жисмоний шахсларнинг даромадлари кўрсатилмайди.

Ҳисобот маълумотларини шакллантиришда филиали (Солиқ кодексининг 389-моддаси 2-қисмига асосан Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари бўлган, ходимлари 25 нафардан ортиқ бўлган алоҳида бўлинмаларга ва (ёки) филиалларга эга солиқ агентлари, ушбу алоҳида бўлинмалар ва (ёки) филиаллар ходимларига нисбатан солиқ ҳисоботини — алоҳида бўлинмалар ва (ёки) филиаллар ҳисобда турган жойдаги солиқ органига тақдим этади) мавжуд корхоналар **аввал ҳамма филиалларига тегишли ҳисоботларини шакллантириши ва филиалларнинг ҳисоботлари тўлиқ шакллантирилиб жўнатиладиган сўнг бош офис ҳисоботларини шакллантириши лозим.**

Бунда, худудда **филиали мавжуд бўлмаган** солиқ агентлари томонидан солиқ ҳисоботини **филиалсиз** мақомни танлаш орқали шакллантирилиши лозим бўлади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҲИСОБ-КИТОБИ

(йил бошидан ўсиб борувчи яқун билан тўлдирилади)

Филиалсиз
Филиалсиз
Бош офис
Филиал

(сўмда)

2. “Ҳисобот давридаги ишловчиларнинг ўртача сони” сатрига **4-иловадаги** даромад ҳисобланган жисмоний шахсларнинг сони кўрсатилади. Ҳисоб-китобнинг “шундан асосий бўлмаган иш жойи бўйича” сатрида корхонада ўриндошлик асосида ишловчи ходимларнинг сони кўрсатилади.

Ҳисобот давридаги ишловчиларнинг ўртача сони _____ нафар

шундан асосий бўлмаган иш жойи бўйича _____ нафар

Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҲИСОБ-КИТОБИ

(йил бошдан ўсиб борувчи яқин билан тўлдирилади)

(сўзма)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ҳисобланган даромад суммаси	Ижтимоий солиқ			Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи	ШЖБПҲга ҳисобланган мажбурий (иктисорий) бадаллар суммаси
			Жами	Умумбелгиланган ставка бўйича	Бошқа ставкалар бўйича		
1	2	3	4	5	6	7	8
Ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси (011-сатр+012-сатр+013-сатр)	010	0.00	x	x	x	x	x
шундан:							
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 371-моддаси) (Ҳисоб-китобга 4-иловланинг 11-устуни (касаначилиқ фаолиятдан олинган даромадлардан ташқари))	011	0.00	0.00	0.00	x	x	x
шундан, ҳисобот даврида ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ҳисоб-китобга 4-иловланинг 12-устуни (касаначилиқ фаолиятдан олинган даромадлардан ташқари))	0110	0.00	0.00	0.00	x	x	x
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимлари бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс - Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари*	0111	0.00	0.00	0.00	x	x	x
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлмаган даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375 (дивиденд ва фоизлардан ташқари), 376 ва 377-моддалари) (Ҳисоб-китобга 5-иловланинг 5-устуни)	012	0.00	x	x	x	x	x
шундан меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахснинг ёма аризасига асосан жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ушлаб қолинмаган моддий наф тарзидаги даромадлар (Ҳисоб-китобга 5-иловланинг 5-устуни, даромад тури-4)	0121	0.00	x	x	x	x	x
Жисмоний шахсларнинг касаначилиқ фаолиятдан олинган даромадлари (Ҳисоб-китобга 4-иловланинг 11-устуни, шартнома тури-5)	013	0.00	x	x	x	x	x
Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари (Ҳисоб-китобга 4-иловланинг 010-сатри)	020	x	0.00	x	x	x	x
Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари (Ҳисоб-китобга 2-иловланинг 010-сатри)	030	x	x	x	x	0.00	x
Солиқ базаси	040	x	0.00	0.00	0.00	0.00	x
Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ ва ШЖБПҲга бадаллар ставкаси, %	050	x	x		x	12.00	0.10
Ҳисобланган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ ва ШЖБПҲга бадаллар суммаси (040-сатр x 050-сатр)	060	x	Ошибка	ставка 12, ставка 25, ставка 7, ставка 4,7	0.00	0.00	
Филлиаллар ва (ёки) алоҳида бўлинмалар ҳамда юридик шахснинг бош офиси томонидан қамқайтириладиган ижтимоий солиқ ва жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи суммаси**	061	x	x	x	x	0.00	x
Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича ҳисобланган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи суммаси	070	x	x	x	x	x	x
Ҳисобот даври учун қўшимча ҳисобланган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи суммаси (Ҳисоб-китобга 3-иловланинг 070-сатри)	071	x	x	x	x	x	x
ШЖБПҲга иктиёрий тўланган бадал суммаси	080	x	x	x	x	x	0.00
Жами ҳисобот даврида тўланган лозим бўлган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ ва ШЖБПҲга бадаллар суммаси (060-сатр - 061-сатр - 070-сатр - 071-сатр + 080-сатр)	090	x	ставка 12, ставка 25, ставка 7, ставка 4,7	ставка 12, ставка 25, ставка 7, ставка 4,7	0.00	0.00	0.00

3. Ҳисоб-китобнинг **011-сатри** ижтимоий солиққа умумбелгиланган (12, 25, 7 ёки 4,7 фоиз) ставкаларда тортиладиган Солиқ кодексининг 371-моддасига асосан ходимларга ҳисобланган жами меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари тўғрисидаги маълумотлар солиқ агенти томонидан юкланган 4-иловланинг 11-устундаги жами ўсиб борувчи тартибда ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларининг йиғиндисидан шакллантирилади (касаначилиқ фаолиятдан олинган даромадлардан ташқари).

4. Ҳисоб-китобнинг **0110-сатри** ҳисобот ойида ҳисобланган меҳнатга ҳақ тарзидаги даромадлари тўғрисидаги маълумотлар солиқ агентлари томонидан юкланган 4-иловланинг 012-устунидаги жами ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларнинг йиғиндисидан шакллантирилади (касаначилиқ фаолиятдан олинган даромаддан ташқари).

5. Ҳисоб-китобнинг **0111-сатри** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс - ЎзРес норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар “e-contract” Ташқи савдо ахборот тизими орқали “17-Чет эллик ходимлар билан таъминлаш” шаклда тузилган шартнома суммаларидан шакллантирилади.

6. Ҳисоб-китобнинг **012-сатри** юридик шахс томонидан жисмоний шахсларга (меҳнат муносабатларида бўлишидан қатъий назар) Солиқ кодексининг 375 (дивиденд ва фоизлардан ташқари), 376 ва 377-моддаларга асосан ҳисобланган даромадлари тўғрисидаги маълумотлар солиқ агентлари томонидан юкланган 5-иловланинг 5-устунидаги жами ўсиб борувчи тартибда ҳисобланган даромадларининг йиғиндисидан шакллантирилади.

Бунда, 5-иловада “E-ijara” АТда ҳисобга қўйилган ижара шартномалари бўйича жисмоний шахсларнинг даромадлари кўрсатилмайди.

7. Ҳисоб-китобнинг **0121-сатри** меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахснинг ёзма аризасига асосан жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ушлаб қолинмаган моддий наф тарзидаги даромадлари тўғрисидаги маълумотлар солиқ агентлари томонидан юкланган 5-иловланинг 5-устуни даромад солиғи ушлаб қолинмаган моддий наф тарзидаги даромадларининг (даромад тури – 4) йиғиндисидан автомат шакллантирилади.

Ушбу сатрда жисмоний шахсларга Солиқ кодексининг 376-моддасида кўрсатилган даромадларни тўлаб берган, лекин Солиқ кодексининг 387-моддага асосан даромад солиғи ушлаб қолинмаган моддий наф тарзидаги даромадлар шаклланади.

8. Ҳисоб-китобнинг **013-сатри** юридик шахс томонидан жисмоний шахсларга касаначилиқ фаолияти бўйича ҳисобланган даромадлари тўғрисидаги маълумотлар солиқ агентлари

томонидан юкланган 4-илованинг 11-устуни касаначилик шартномасига асосан жами ўсиб боровчи тартибда ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларининг (шартнома тури – 5) йиғиндисидан шакллантирилади.

9. Ҳисоб-китобнинг **020-сатри солиқ агенти томонидан** 1-илова “Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари” тўлдирилганда шаклланади.

10. Ҳисоб-китобнинг **030-сатри солиқ агенти томонидан юкланган 4-5-иловаларда кўрсатилган солиқ имтиёзи маълумотлари асосида автомат шакллантириладиган** 2-илова “Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари ёйилмаси” тўлдирилганда шаклланади.

11. Ҳисоб-китобнинг **040-сатрида** ижтимоий солиқ (011-сатр + 0111-сатр + 013-сатр – 020-сатр), шундан ижтимоий солиқнинг пасайтирилган ставкаси бўйича солиқ (2-илова 040-сатрдаги имтиёз суммаси) ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи (011-сатр + 012-сатр – 0121-сатр + 013-сатр – 030-сатр) солинадиган база шаклланади.

12. Ҳисоб-китобнинг **050-сатрига** ижтимоий солиқ (5-устунда 12, 25, 7 ёки 4,7 фоиз ставкалардан бири киритилиши лозим) ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи (12 фоиз автомат шакллантирилади) ставкалари киритилади.

13. Ҳисоб-китобнинг **060-сатри** ижтимоий солиқ ва даромад солиғи суммаси шаклланади (040-сатр x 050-сатр). Бунда, пасайтирилган ставка бўйича ижтимоий солиқ суммаси (060-сатр 6-устун) **2-илова 040-сатрдаги** солиқ суммаси асосида шаклланади.

13.1. Ҳисоб-китоб **060-сатрининг 8-устунида** жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинадиган иш ҳақи даромадига нисбатан 0,1 фоиз ставкада ШЖБПҲга ҳисобланган мажбурий бадаллар суммасига асосан **солиқ агенти томонидан** шакллантирилади.

13.2. **061-сатри** Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари бўлган, ходимлари 25 нафардан ортиқ бўлган алоҳида бўлинмаларга ва (ёки) филиалларга эга солиқ агентларининг алоҳида бўлинмалари ва (ёки) филиаллари учун шакллантирилган маълумотлари асосида шакллантирилади. Бунда бош офис томонидан алоҳида бўлинма ва (ёки) филиалларга тегишли бўлган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси камайтирилади (7-устунда).

14. Ҳисоб-китобнинг **070-071-сатрларида маълумотлар шаклланмайди.**

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар учун ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотлар **алоҳида янги пакет орқали**, солиқ органлари томонидан “E-ijara” АТдан рўйхатдан ўтказилган ижара шартномалари тўғрисидаги маълумотларга асосан, проактив тарзда шакллантирилади.

15. Ҳисоб-китобнинг **080-сатри** ШЖБПҲга ихтиёрий равишда ҳисобланган бадаллар суммаси **солиқ агентлари томонидан юкланган 4-5-иловаларда кўрсатилган имтиёз суммалари асосида шакллантирилади.** Мазкур ихтиёрий бадал суммаси 2-илова “Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари ёйилмаси”да ҳам акс эттирилади.

16. Ҳисоб-китобнинг **090-сатрида** солиқ тўловчининг шахсий карточкасига борадиган ижтимоий солиқ (36-код), жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи (46-код) ва ШЖБПҲга бадаллар (101-код) суммалари шаклланади.

16.1. **090-сатрдаги** жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси = 060-сатр – 061-сатр - 060-сатрдаги ШЖБПҲга ҳисобланган мажбурий бадаллар суммаси.

16.2. **090-сатрдаги** ижтимоий солиқ суммаси бош офис ва филиалларнинг жами меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлардан келиб чиқиб ҳисобланади.

Бунда, филиаллар учун ҳисоб-китобнинг **090-сатрида** ижтимоий ҳисобланмайди.

16.3. **090-сатрида** ШЖБПҲга бадал (101-код) суммаларида бош офис учун филиаллар томонидан ҳисобланган бадаллар суммалари айириб ташланиб, фақат ўзи ҳисобот топширган ҳудуд бўйича ҳисобланган бадаллар суммалари шаклланади.

Филиаллар учун фақат ўзи ҳисобот топширган ҳудуд бўйича ҳисобланган бадаллар суммалари шаклланади.

Ушбу иловада Солиқ кодексининг 371-моддасига асосан ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар олган ходимлар рўйхати акс эттирилади.

21. **Илованинг барча устунлари мажбурий тарзда тўлдирилиши шарт.**

22. Илованинг **5-устунига**, агар иш ўрни 01.01.2026 йилгача ташкил қилинган бўлса 01.01.2026 ёзилади, жорий йилда ташкил этилган бўлса сана кўрсатилади.

23. Илованинг **6-устунига**, агар ходим резидент жисмоний шахс бўлса – 1 рақами, норезидент жисмоний шахс бўлса – 2 рақами қўйилади.

24. Илованинг **7-устунига**, агар ходим ҳисобот даври якуни билан ишлаб келаётган бўлса – 1 рақами, меҳнат шартномаси (*фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ёки қурилиш корхоналари томонидан шартнома тузмасдан ёлланган*) бекор бўлган бўлса – 2 рақами қўйилади.

25. Илованинг **8-устунига** ходим билан тузилган меҳнат шартномаси тури кўрсатилади. Бунда агар, асосий иш жойида тузилган меҳнат шартномаси бўлса – 1 рақами, ўриндошлик асосида тузилган бўлса – 2 рақами, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бўлса – 3 рақами, қурилиш корхоналари томонидан шартнома тузмасдан ёлланган бўлса – 4 рақами ва касаначилик шартномаси бўлса – 5 рақами қўйилади.

26. Илованинг **9-устунида** ходимнинг меҳнат шартномасига асосан иш вақти кўрсатилади (0,25; 0,5; 0,75; 1 ва х.к).

27. Илованинг **10-устунида** иш ўрни доимий бўлса - 1, 01.01.2025 йил ҳолатига мавжуд бўлган вакант ҳисобига қабул қилинган бўлса - 2, жорий йилда янги яратилган иш ўрни ҳисобига бўлса - 3, мавсумий бўлса – 4 рақами ва касаначи бўлса - 5 рақами қўйилади.

28. Илованинг **11-12-устунларида** ходимларга ҳисобланган иш ҳақи тарзидаги даромадлар тўлиқ кўрсатилади (*илованинг 12-устунидаги жами даромад суммаси 11-устунидаги жами даромад суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас*).


Бунда, *жисмоний шахс кесими 12-устундаги ҳисобот даврида ҳисобланган иш ҳақи суммасидан жами ҳисобот даврида солиққа тортилмайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар йиғиндисидан ошиб кетиши мумкин эмас*.

29. Илова **11-устунининг** жами суммаси ҳисоб-китобнинг **011-сатрида** (*касаначилик фаолиятдан олинган даромадлардан ташқари*) ва **12-устунининг** жами суммаси ҳисоб-китобнинг 0110-сатрида шакллантирилади.

30. Илованинг **13-14-устунларида** ҳисобланган даромад солиғи суммаси **ШЖБПҲга мажбурий ҳисобланган бадаллар суммасини ўз ичига олган ҳолда акс эттирилиши шарт** (*илованинг 14-устунидаги жами ҳисобланган солиқ суммаси 13-устунидаги жами ҳисобланган солиқ суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас*).

31. Илованинг **15-44-устунларида** имтиёзга эга бўлган жисмоний шахсларнинг **имтиёз IDлари, жами ва ҳисобот даврида солиққа тортилмайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар алоҳида кўрсатилиши шарт**, агар имтиёз қўлланилмамаган бўлса, у ҳолда ушбу устунлар тўлдирилмайди (*имтиёз IDлари тўғрисидаги маълумотлар Жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи имтиёзлари тўғрисида маълумотнома қисмида мавжуд*).

**Жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи имтиёзлари тўғрисида
маълумотнома**



Ушбу маълумотларга асосан ҳисоб-китобнинг “Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари ёйилмаси” тўғрисидаги 2-илоvasи шакллантирилади.

VII. 5-илова. Ҳар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган мулкӣй (дивиденд ва фоизлардан ташқари), моддий наф тарзидаги ва бошқа даромадлар ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида

Маълумот

32. Ушбу илова солиқ агентлари томонидан шакллантирилади (ҳисобланган кўрсаткичлар манфий бўлмаслиги шарт).

Ҳар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган мулкӣй (дивиденд ва фоизлардан ташқари), моддий наф тарзидаги ва бошқа даромадлар, маъЛУМОТ																			
Хисобчилар баъратлаш																			
Бу маълумотномада ҳар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган мулкӣй (дивиденд ва фоизлардан ташқари) ва моддий наф тарзидаги даромадлар ва маъмур даромадлар бўлса тўлиқ манбада ушлаб қилинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлибдилади.																			
Жисмоний шахснинг асосий идентификацион рақами (ЖИШАР) функцияси нақсонини ўқитишда қўлдан келиши мумкин бўлади.																			
Фурқатларча ЖИШАР/Ҳисоб солиқ қўлланмасини "бу алоқид" электрон солиқ кизмалари порталыда/электрон давлат кизмаларини "СТАР" ёки ЖИШАР/Ҳисоб солиқ аниқланган бўлишидан текшириб кўриш имконияти мавжуд.																			
Ишқари:																			
4 ва 7-устунлари тўлибдиши мажбурий ҳисобланади. Агар жисмоний шахснинг бир нечта даромади бўлса, ҳар бири алоқида кўрсатилади.																			
5 ва 9-устунлар баъ бошқадан (суб) барроча мумкин бўлиши мумкин.																			
5-устунда жами сумма ҳисоб-китобнинг 012-сатрида пена бўлиши керак.																			
5-устунда кўрсатишган даромад бўлса Солиқ кодексининг 387-моддасига асосан тўлиқ манбада даромад солиғи ушлаб қилинган бўлса, 9-устунда «0» қўйилади.																			
10-19-устунларида жисмоний шахсларнинг солиқ солиқдан сўб қилинган даромадлари кўрсатилади (агар асосий 10-устунда жисмоний шахсларнинг солиқ солиқдан сўб қилинган даромадлари кўрсатилади шарт). Агар асосий 10-устунда жисмоний шахсларнинг солиқ солиқдан сўб қилинган даромадлари кўрсатилади шарт.																			
5, 6, 8 ва 9-устунларида Е-Ҳага АТда текшириш тузилган ижара шартномалари бўлса "0" рақам кўрсатилади.																			
Тр	Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш. ЖИШАР	Жисмоний шахс тури (1 - резидент, 2 - норезидент)	Жами ҳисобланган даромадлар	шундан, ҳисобот даврида ҳисобланган даромадлар	Даромад тури (1-мулкӣй, 2-маъмурлик ижарага беришдан, 3-моддий наф тарзидаги, 4-даромад солиғи ушлаб қилинмаган моддий наф тарзидаги даромадлар, 5-бошқа)	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи													
						Жами ҳисобланган солиқ суммаси	шундан, ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ суммаси	аятгай рақам	Жами солиқда тортилмайдиган даромадлар	шундан, ҳисобот даврида солиқда тортилмайдиган даромадлар	аятгай рақам	Жами солиқда тортилмайдиган даромадлар	шундан, ҳисобот даврида солиқда тортилмайдиган даромадлар	аятгай рақам	Жами солиқда тортилмайдиган даромадлар	шундан, ҳисобот даврида солиқда тортилмайдиган даромадлар	аятгай рақам	Жами солиқда тортилмайдиган даромадлар	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
		ЖАМИ					0,0	0,0		0,0	0,0		0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Ушбу иловада Солиқ кодексининг 375 (дивиденд ва фоизлар бундан мустасно), 376 ва 377-моддаларига асосан ҳисобланган даромадлар олган жисмоний шахслар рўйхати акс эттирилади.

Бунда, 5-иловада “Е-Ҳага” АТда ҳисобга қўйилган ижара шартномалари бўйича жисмоний шахсларнинг даромадлари кўрсатилмайди.

33. Илованинг барча устунлари мажбурий тарзда тўлдирилиши шарт.

34. Илованинг **4-устунига**, агар жисмоний шахс резидент бўлса – 1 рақами, норезидент бўлса – 2 рақами қўйилади.

35. Илованинг **5-6-устунларида** жисмоний шахсларга ҳисобланган даромадлар тўлиқ кўрсатилади (илованинг 5-устунидаги жами даромад суммаси 6-устунидаги жами даромад суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас).

Бунда, жисмоний шахс кесими 6-устундаги ҳисобот даврида ҳисобланган даромад суммасидан жами ҳисобот даврида солиққа тортилмайдиган даромадлар йиғиндисидан ошиб кетиши мумкин эмас.

36. Илова **5-устунининг** жами суммаси ҳисоб-китобнинг **012-сатрида** шакллантирилади, **6-устунида** ҳисобот ойда ҳисобланган даромадлар акс эттирилади.

37. Илованинг **7-устунига** Солиқ кодекси 375-моддасида белгиланган мулкӣй даромадлар бўйича 1-рақами, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича 2-рақами, 376-моддасида белгиланган моддий наф тарзидаги даромадлар бўйича 3-рақами ва даромад солиғи ушлаб қилинмаган моддий наф тарзидаги даромадлар бўйича 4-рақами (Солиқ кодексининг 387-моддасига асосан ҳисобот ойда меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахснинг ёзма аризасига асосан моддий наф тарзидаги даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушлаб қилинмаган бўлса) ҳамда 377-моддасида белгиланган бошқа даромадлар бўйича 5-рақами қўйилади.

Агар жисмоний шахсга икки ёки уч турдаги даромадлар ҳисобланган бўлса, ҳар бири алоҳида акс эттирилади.

38. Илованинг **8-9-устунларида** ҳисобланган даромад солиғи суммаси акс эттирилади (илованинг 9-устунидаги жами ҳисобланган солиқ суммаси 8-устунидаги жами ҳисобланган солиқ суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас).

39. Солиқ кодексининг 387-моддасига асосан ҳисобот ойда меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахснинг ёзма аризасига асосан моддий наф тарзидаги даромадлардан

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушлаб қолинмаган бўлса, 8-устунида “0” рақами кўрсатилиши шарт (*даромад турида – 4 яъни, даромад солиғи ушлаб қолинмаган моддий наф тарзидаги даромадлар кўрсатилганда*).

40. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушлаб қолинмаган ва **8-устунда “0” кўрсатилган** даромадларнинг жами суммаси ҳисоб-китобнинг **0121-сатрида** акс автомат шакллантирилади.

41. Илованинг **10-39-устунларида** имтиёзга эга бўлган жисмоний шахсларнинг **имтиёз ID лари, жами ва ҳисобот даврида солиққа тортилмайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар алоҳида кўрсатилиши шарт**, агар имтиёз қўлланилмамаган бўлса, у ҳолда ушбу устунлар тўлдирилмайди.

Ушбу маълумотларга асосан ҳисоб-китобнинг “Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари ёйилмаси” тўғрисидаги 2-илоvasи шакллантирилади (*имтиёз IDлари тўғрисидаги маълумотлар **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи имтиёзлари тўғрисида маълумотнома** қисмида мавжуд*).